



ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ СУҒУРТА ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Эгамбердиев Муродулла

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ORCID: 0009-0009-1438-9540

murodullaegamberdiyev17@kstu.uz

Аннотация. Мақолада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда ижтимоий суғурта тизининг ўрни ёритилган. Ижтимоий суғурта тизими йўналишлари келтирилган. Ўзбекистонда ижтимоий суғурта тизимини ташкил қилиш билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган ва тизимда учраётган муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни ҳал этиш бўйича таклиф ва тавсиялар баён этилган.

Калит сўзлар: ижтимоий суғурта, нафақа, пенсия суғуртаси, ижтимоий риск, камбағаллик, ижтимоий ёрдам.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ СОЦИАЛЬНОГО СТРАХОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Эгамбердиев Муродулла

Банковско-финансовая академия

Республики Узбекистан

Аннотация. В статье освещена роль системы социального страхования в социальной защите населения. Приведены направления системы социального страхования. Проанализированы вопросы, связанные с организацией системы социального страхования в Узбекистане, описаны проблемы и недостатки, встречающиеся в системе, а также предложения и рекомендации по их решению.

Ключевые слова: социальное страхование, пенсия, пенсионное страхование, социальный риск, бедность, социальная помощь.

IMPROVING THE SOCIAL INSURANCE SYSTEM IN UZBEKISTAN

Egamberdiev Murodulla

Banking and Finance Academy of
the Republic of Uzbekistan

Abstract. The article highlights the role of the social insurance system in the social protection of the population. The directions of the social insurance system are given. Issues related to the organization of the social insurance system in Uzbekistan are analyzed, problems and shortcomings encountered in the system are described, as well as proposals and recommendations for solving them.

Keywords: social insurance, pension, pension insurance, social risk, poverty, social assistance.

Кириш.

Жаҳон тажрибасига кўра, ижтимоий суғурта аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш институти, молия тизими ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим воситаси ҳисобланиб, иқтисодиёти ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг энг муҳим ижтимоий кафолати сифатида намоён бўлади. Ижтимоий суғурта тизими аҳолини муҳтожликда, кексалиқда, меҳнат қилиш лаёқатини йўқотганида ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим молиявий механизмидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва унинг таркибидаги Болалар фонди (UNICEF), Жаҳон банки (WB), Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO) ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO) маълумотларига кўра, «дунё аҳолисининг бор-йўғи 45 фоизи ижтимоий ҳимоя тизими доирасидаги пулли тўловларнинг камида битта тури билан таъминланган, деярли 4 миллиард инсонлар ижтимоий ҳимоя тизими билан қамраб олинмаган»]. Таҳлил натижаларидан кўринадики, дунё аҳолисининг салмоқли қисми етарли даражада ижтимоий ҳимояланмаган, хусусан, «жами ишсизларнинг фақат 22 фоизи ишсизлик нафақасини, ногиронлиги бўлганларнинг атиги 28 фоизи ногиронлик нафақасини олади» (Доклад, 2019). Мазкур ҳолатлар аҳолини ижтимоий ҳимоялашда ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш ва қамров даражасини кенгайтириб бориш долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий суғурта тизимида бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жаҳонда бошланган пандемия шароити эса ижтимоий суғурта тизимини янада такомиллаштириш кераклигини кўрсатиб берди. Ўзбекистонни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими халқаро ижтимоий таъминот стандартлари билан боғлиқ кўплаб асосий хусусиятларни ўз ичига олади: жумладан; ижтимоий ёрдам ва ижтимоий суғурта элементлари. Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг энг мақбул усулларида бири бу ижтимоий суғурта тизимидир. Юртимизда аҳолини ижтимоий суғурта тизими орқали қамраб олиш даражаси 44 фоизни ташкил этиб, аҳолига турли ижтимоий ёрдамлар (ижтимоий нафақалар орқали) кўрсатиб келинмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Ижтимоий ҳимоя тизимида ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш ва бу орқали аҳолини камбағалликдан чиқариш ва фаровон турмуш тарзини амалга ошириш доимо далзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу эса мазкур соҳада кўплаб тадқиқотлар олиб бориш кераклигини тақозо этади.

Ижтимоий суғурта ижтимоий рискларни олдини олиш учун амалга оширилади. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган сабабларга кўра ишдан ёки доимий даромад манбаидан маҳрум бўлиши натижасида молиявий аҳолининг ёмонлашиши, шунингдек ёрдамга муҳтож бўлган оила аъзоларининг тиббий-ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришда қўшимча харажатларга боғлиқлиги ижтимоий хавф ёки ижтимоий риск деб аталади (Борисенко, 2007).

Инсонларни ижтимоий ҳавф-хатарлардан ҳимоя қилишга қаратилган чоратадбирлар мажмуини ижтимоий ҳимоя тизими дейиш мумкин. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ўзининг ривожланиш тарихига эга. Илк бор аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш диний ташкилотлар томонидан амалга оширилган. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши билан ижтимоий ҳимоя тизимида давлатнинг роли ошиб борди (Турсунов, Жумабаева, 2023).

Дармаван, Сатиби, Кристина (2017) “Ижтимоий соғлиқ суғуртаси учун тўловга тайёрлик ва аҳоли орасида туғилган омиллар” номли мақоласида ўз фикр мулоҳазаларини келтириб ўтган. Тобиас Лаун, Жоҳанна Валлениус “Ижтимоий суғурта ва пенсия: давлатлараро истиқбол” номли мақоласида ижтимоий суғурта турлари ва молиялаштириш асослари тўғрисида келтирилган. Минас Влассис, Стефанос Мамакис,

Мариа Варватаки (2020) “Солиқлар, ижтимоий суғурта бадаллари ва декларацияланмаган меҳнат бирлашган олигополия” илмий ишланмаларда ушбу тадқиқот иши ўрганиб чиқилган.

Тадқиқот методологияси.

Диссертация ишида илмий абстракциялаш, мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, монографик тадқиқот, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш каби усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ижтимоий суғуртанинг мазмун-моҳияти ҳамон иқтисодий адабиётларда турлича талқин қилинаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Аммо, аксарият келтирилган таърифларда ижтимоий суғурта аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим шакли эканлиги эътироф этилади¹⁰. Олиб борилган илмий назарий изланишлар натижасига кўра, ижтимоий суғуртага хос бўлган энг муҳим характерли белгилардан биринчиси, аввало, унинг аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилганидир. Ижтимоий суғурта орқали аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини моддий қўллаб-қувватлашда махсус жамғармага таянилиши унинг иккинчи муҳим характерли белгиси ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг иқтисодий-ижтимоий ва барча соҳаларда янгилаш ва тараққиётнинг замонавий, ўзбек миллатининг маънавиятига мос бўлган ўзига ҳос йўлини босиб ўтмоқда. Шу билан бирга ушбу вақт оралиғида ҳам ижтимоий ҳам иқтисодий жиҳатдан йирик марраларга эришилди. Жамиятда соғлом, ижобий ижтимоий муҳит, фуқаролар ўртасида аҳиллик, сиёсий барқарорликда, фуқароларга ўз қобилият ва истеъдодларини намоён қилишлари учун шарт-шароитлар, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш учун барча микониятлар яратиб берилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш - давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ихтисослаштирилган муассасалар, иш берувчилар ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган, аҳолининг ижтимоий заифлигининг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган ўзаро боғлиқ бўлган ҳуқуқий, иқтисодий чоратадбирлар ва кафолатлар тизимидир. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни тизим кўринишида тасаввур этиш ўрганилаётган объектнинг кўп қисми, бир-бири билан ўзаро алоқадорликда эканлигини намоён этади.

Ижтимоий суғурта тизимида молиявий муносабатлар базис сифатида қатнашиб, бошқа қисмлар усқуртма ҳисобланади. Ижтимоий суғурта институтлари эса тизимнинг бошқа қисми сифатида қатнашади, яъни улар пул оқимларини бошқаради. Ижтимоий суғурта тизими қуйидаги тўртта қисми мужассамлаштира олгандагина яхлит ва объектив бўлади.

Кейинги беш йиллик маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистонда ўқиш, билим олиш, касб танлаш тайёрланаётган мутахассисларни тайёрлашнинг ўзбек миллий дастури бўйича такомиллаштирилмоқда. Ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағлар давлат бюджетининг 60 фоиз маблағи сарфланмоқда. Ушбу кўрсаткич маҳаллий бюджетлар асосида энг юқори кўрсаткичлардан ҳисобланади. Хусусан тиббиёт соҳасида амалга ошириладиган ўзгаришлар натижасида аҳолига соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатиладиган сифатли тиббиёт хизматлар самарадорлигини кўтариш чоратадбирлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилмоқда. Ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштиришда энг асосий кўрсаткичлардан бири бу инфляцияни жиловлашдир. Агарда инфляция етарли даражада жиловланса ижтимоий соҳага ҳам ютуқдир, нарх-новаларнинг ўзгаришсиз қолиши фуқароларнинг харид қилиш қобилиятини оширади.



1-расм. Ижтимоий суғурта тизими йўналишлари (Давронов, 2022)

Миллий ижтимоий суғурта тизимини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, у табиий равишда иш ҳақи, солиқ тизими, ижтимоий сиёсат ва меҳнат бозори ҳолати, амалдаги демографик вазият ва унинг истиқболи билан боғлиқ бўлади. Муаллиф фикрига кўра ижтимоий суғурта тизимини шаклланиши қатор омиллар, яъни пенсия ва бошқа суғурта тўловларини тарифи, ходимларни даволаш ва соғломлаштириш бўйича хизматлар сифати ва ҳажми билан боғланмас экан, мамлакатда самарали ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантириш мураккаб кечади.



2-расм. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимлари (Бекназаров, 2023)

Ижтимоий суғуртанинг характерли белгиларидан келиб чиқиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича моддий таъминотнинг бир қанча турларини алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин.

1. Пенсия суғуртаси. Аҳоли узоқ умр кўриши давомийлигининг ошиб бориши пенсионерлар сонининг кўпайишига ва бу Пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатади. 2010-2020 йиллар давомида Пенсия жамғармаси харажатлари 6,3 мартага ошган бўлсада унинг даромадлари хажми мос равишда 4,3 мартага ўсган. Ўз навбатида, пенсия жамғармаси даромадларини мамлакат ЯИМ ҳажмидаги улуши пасайиб борганлигини қайд этиш мумкин.

2. Ижтимоий тиббий суғурта. ЖССТ маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг деярли ярми энг керакли тиббий хизматлар билан тўлиқ қамраб олинмаган. «800 миллиондан ортиқ аҳоли ёхуд дунё аҳолисининг 12 фоизи даромадларининг камида 10 фоизини соғлиқни сақлаш харажатларига сарфлашади. Тараққий этган мамлакатларда тиббий суғуртанинг ихтиёрий ва мажбурий тури бир вақтнинг ўзида амал қилади ва ўзининг ривожланган тизимига эга. «Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда мажбурий тиббий суғуртанинг улуши Россияда 34 фоизни, Хитойда 37 фоизни, Сингапурда 10 фоизни ташкил қилади». Ўзбекистонда эса тиббиёт соҳаси тўлиқ тиббий суғурта билан қамраб олинмаган. Бу эса аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилиши зарурлигини тақозо этади.

3. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касаллигидан ижтимоий суғурталаш. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий ижтимоий суғурталашнинг мақсади фуқароларнинг улар бўйича мажбурий ижтимоий суғурталанишига бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш орқали суғурталаш объекти сабаб ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етиши муносабати билан суғурта товони тўланиши асосида ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ва меҳнат шароитларини яхшилаш, ходимларнинг соғлиғини сақлашдан иборат. Мазкур ижтимоий суғурта турини молиялаштириш, асосан, суғурта қилдирувчиларнинг суғурта бадаллари ва Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ижтимоий нафақалар. Мамлакатимизда ижтимоий нафақаларнинг қуйидаги турлари амал қилади: пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга, меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга ҳамда болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга нафақалар; кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва бошқа турдаги нафақалар тўланади.

5. Ишсизлик нафақаси. Ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтган кундан тайинланади.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, ижтимоий суғурта нафақалари орқали аҳолини молиявий жиҳатдан ҳимоялаш энг мақбул йўл ҳисобланади. Мамлакат аҳолисини ижтимоий ҳимоялашда ижтимоий суғурта тизимини янада ривожлантириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ:

ижтимоий суғуртанинг иқтисодий моҳиятини ифодалашга хизмат қилувчи иқтисодий адабиётларда келтирилган таърифларни қиёсий таҳлил қилиш асосида, ижтимоий суғурта тижорат асосида эмас балки ижтимоий рискларни олдини олишга қаратилганлиги билан изоҳланиши керак;

ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштиришнинг институционал асослари, пенсия ва ишсизлик нафақаси ҳамда давлатнинг ижтимоий суғурта тизимидаги нафақаларини ўрганиш ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштиришнинг муҳим гарови бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Доклад о Целях в области устойчивого развития. (2019) Организация Объединенных Наций. – Нью Йорк, – С. 21-23. (<https://unstats.un.org/sdgs/report/2019/TheSustainable-Development-Goals-Report-2019-Russian.pdf>).

Давронов Ш.З. (2022) Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурта тизимини ташкил этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Иқт. фан. док. (DSc) дисс. Автор. – Т.: Иқтисод-молия, – 90 б.

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идораларо электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 308-сон қарори.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-82-сон Фармони.

Борисенко Н.Ю. (2007) Построение национальной системы пенсионного обеспечения: теория и практика // Финансы и кредит. 2007. № 17. С. 54–65.

Бекназаров З.Э. (2023) Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш йўналишлари. Иқт. фан. док. (DSc) дисс. Автор. – Т.: Иқтисод-молия, – 91 б.

Турсунов Ж.П., Жумабаева К.Б. (2023) Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизими: бугунги ҳолат ва ривожланиш истиқболлари. // Фундаментал тадқиқотлар. No 1 Б. 25-33.

Sholdarov D., Tursunov J. (2018) Improvement of the system of state pension provision in Uzbekistan //Scientific journal" Finance", 1st issue. – Т. 107.

Турсунов, Ж. (2023). Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини истиқболда барқарор амалга оширилишини таъминлаш йўллари. Iqtisodiyot va ta'lim, 24(1), 327–333. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a50.

Қарор (2021) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 654-сон қарори.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-175-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (2023) 30.04.2023. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон